

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 658:339.13 (575.1)

ИСАЕВ РАВШАН АБДУРАХМОНОВИЧ

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ
ТИЗИМИ АСОСИДА СТРАТЕГИК БОШҚАРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science)
ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий маслаҳатчи: и.ф.д., проф. Эшов М.П.

Тошкент – 2022 йил

МУНДАРИЖА

	Кириш.....	4
1-БОБ.	САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ВА СТРАТЕГИК БОШҚАРИШНИНГ ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ	17
1.1.	Сифат менежменти тизимининг илмий-назарий асослари	17
1.2.	Стратегик менежмент назарияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари	35
1.3.	Саноат корхоналарида сифат менежменти ва стратегик бошқаришнинг концептуал асослари	48
1.4.	Сифат менежменти тизими асосида стратегик бошқаришни такомиллаштиришнинг методологик жиҳатлари	59
	1-боб бўйича хулоса	90
2-БОБ.	СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИ АСОСИДА СТРАТЕГИК БОШҚАРИШ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	94
2.1.	Сифат менежменти ва стратегик бошқарувнинг дастаклари ва усулларини тизимлаштириш ҳамда мукобилларини танлаш	94
2.2.	Тўқимачилик саноатида сифат менежменти тамойиллари асосида стратегик бошқариш услубий асосларини такомиллаштириш	119
2.3.	Тўқимачилик саноатида стратегик бошқариш натижадорлиги ҳамда сифат менежменти тизими мукамаллик даражасини баҳолаш усулларини такомиллаштириш	137
	2-боб бўйича хулоса	145
3-БОБ.	ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТИЗИМИ ВА СТРАТЕГИК БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ	149
3.1.	Тўқимачилик саноати корхоналарига сифат менежменти tizimini жорий этиш ва сертификатлаш фаолиятини ривожлантириш ҳолати таҳлили	149
3.2.	Тўқимачилик саноати корхоналари контекстининг стратегик таҳлили	162
3.3.	Тўқимачилик саноати корхоналари стратегик бошқариш натижадорлигини баҳолаш	169
	4-боб бўйича хулоса	176
4-БОБ.	ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ.....	178

4.1.	Сифат менежменти тамойиллари асосида тўқимачилик корхоналари ривожланиш стратегиясини амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш	178
4.2.	Тўқимачилик саноати корхоналарида стратегик бошқарув таркибий тузилмасини такомиллаштириш	200
4.3.	Интеграллашган бошқарув тизими асосида тўқимачилик саноатини барқарор ривожлантиришни прогнозлаш	213
	4-боб бўйича хулоса	242
	ХУЛОСА	247
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	252
	ИЛОВА	279

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тўқимачилик маҳсулотлари бозорида рақобатнинг кескинлашуви шароитида корхоналарда самарали стратегик бошқаришни сифат менежменти тизими таъминлари асосида ташкил этишни тақозо этмоқда. «Жаҳон тўқимачилик бозорининг глобал ҳажми 2020 йилда 1000,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этган ва 2021 йилдан 2028 йилгача ўсиш суръати (CAGR) 4,4 фоизга кенгайиши кутилмоқда»¹. Тўқимачилик маҳсулотларига талаб йилдан йилга ортиб бориши ушбу саноат корхоналарида интеграллашган бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этиш орқали маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши шароитида тўқимачилик корхоналарида интеграллашган бошқаришни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларда сифат менежменти тизимини шакллантириш, стратегик бошқаришнинг сифат талабларини ишлаб чиқиш, фаолият натижадорлигини ошириш имкониятларини излаб топишда мақсадлар бўйича бошқариш; рақамлаштириш технологияларни қўллаш асосида стратегик бошқаришни ташкил этиш; тўқимачилик саноатида инновацион стратегик бошқаришда бизнес-моделларни қўллаш самарадорлигини асослаш; кийматни оширишга йўналтирилган стратегик бошқариш механизмларини такомиллаштириш; корхоналар инновацион стратегияларини ишлаб чиқиш ва улар фаолияти самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олиб борилаётган илмий изланишларда саноат корхоналарида инновацион жараёнларни стратегик бошқариш механизмларини такомиллаштириш, сифат менежменти ва стратегик бошқариш интеграллашган тизимини шакллантириш, унинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш илмий тадқиқотнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

¹ <https://www.grandviewresearch.com/industry-analysis/textile-market>